



Алихонтўра ўгирлаб олиб чикиб кетилиши окибатида Совет хукумати Шинжонгда кўзлаган максадига эришолмади, чунки бу билан кутилган муросали «битим» тузиш натижасида ўлкада юзага келган келишмовчилик, нотинчлик вазиятини юмшатиш имконияти тугилмайди. Аксинча, Олтойда Усмон ботир Алихонтўрани топасанлар, деб исён кўтаради. У ердаги янги хукумат одамлари кўлга олиниб, камалиш, отилишлар янгидан бошланиб кетади. Вилоят хукумат ўринларига ўзининг содик одамларини тайин килиб, Усмон ботир советпараст янги хукумат вакилларини ўлкани кизиллаштириш сиёсатида айблаб, марказ Урумчига шикоят билан элчи юборади.

Хитой хукуматининг бу ишларга муносабати хам аник ва катъий бўлмайди. Оғзида Усмонни коралаган бўлиб, зимдан унга курол-ярог етказиб бериб туради. Чунки Чанкайши хукумати кизил коммунистларнинг таъсирини каерда бўлишидан катъи назар йўкотиш учун бутун Хитой бўйлаб уриш олиб бормокда эди. Урумчидаги янги тузилган бирлашма хукумат аъзоларининг кўпчилиги Ахмад афанди бошлиқ уч вилоят раҳбарларини негизида совет одамлари деб биларди. Шунинг учун уларнинг таъсирини сусайтириш максадида уч вилоят ичида шаклланган бирликни синдиришга каратилган хар кандай харакатни кўллашга интиларди.

Урумчидаги тузилган бирлашган хукуматнинг маҳаллий вакиллари орасида хам зиддиятлар кўп эди. Кошгария вилоятларининг вакиллари Мухаммадамин Бугро, Айсо Алиптекин хазрат, Маъсуд афанди бошлиқ гурух радикал хисобланган Ахмад афанди бошлиқ Или вакилларига ишонмас эдилар. Улар хам Усмон ботирдай хамма ишни килаётган ўрислар: ичкари Хитойда коммунистларни гоминданчиларга карши уриштирмокда, уч вилоядаги кизиллаштириш ишларини олиб бориш учун бунга карши бўлган Али-хонтўрани ўртадан кўтарди, деб уларни ёқтирамас эди.

Улар:

— Биз кизилларга жон-жаҳдимиз билан каршимиз. Чунки улар келса биринчи навбатда динни йўкотади; ерни, мол-мулкни умумлаштиради; урф-одат, кадриятларимизни оёкости килади; иймонли, диёнатли, халк орасида обрўи бор одамларни узоктарга сургун килади, камайди, отади. Улардан халкка наф тегмайди, бор эркини кўлидан тортиб олиб, кул килиб ишлатади. Шунинг учун биз уларга карши курашамиз, деб ўз дунёкарашларини ошкора ифода этарди.

Бирлашган хукумат таркибида Хитой коммунистларининг гоя ва максадларини кўллайдиган гурух намояндалари хам иштирок этар эди. Уларнинг вакилларидан бири

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

бўлган Абдукарим Аббосов — янги хукумат котибининг муовини, кейиги пайтларда:

- Шинжонгдаги асосий зиддият - бу синфий зиддият. Шунинг учун Хитой коммунистлари раҳбарлигига пролетариат диктатураси ўрнатилгандагина, «эзувчи» синф йўқотилгандагина миллий, ижтимоий эркинлик, тенглик амалга ошади, — деган ташвикотни килар эди.

Бу гурух билан Ахмад афанди гурухининг кўз карашлари деярли бир хил бўлса хам, лекин улар сажда киладиган каъба бошка-бошка ерда эди.

Мана шундай ички зиддиятларга тўла бўлган бирлашма хукумат тепасида тараккийпарвар генерал Жанг Чежунг туарди. У «ягона Хитой давлати таркибида миллатлар иттифокини мустахкамлаш асосида тараккиёт эшикларини очиш оркали янги Шинжонгни кўрса бўлади», деб хисоблар ва шу сиёсатни амалга оширишга интилар эди. Лекин унинг бу интилишлари советларнинг туб манфаатларига мос эмас эди. Улар кўпроқ уч вилоят ўлкасида Хокимиятни кўлга олган Ахмад афанди бошлиқ ўз одамлари оркали демократик ўзгаришлар никоби остида ўз таъсирини мустахкамлашни, бу ердаги бойиклардан чексиз фойдаланиш имкониятини кўлга киритишни кўзлар эди. Уларнинг бу стратегик максадига эришиш йўлида янгидан катта гов бўлган нарса — бу кенгайиб бораётган Усмон, Калибек каби ботирларнинг исёни бўлиб, уларнинг асосий талабларидан бири Алихонтўрани ўз ўрнига кайтариб келтириш эди.

Кейинги пайтларда бу талабни Шаркий Турки стон мусулмонлари хам, Миллий армия сафидагилар хам гоҳ пардали, гоҳ ошкора кўринишида ўртага кўймокда эди. Бунинг ошкора кўриниши куролли кўзголон шаклида бўлиб, у кўпроқ козок эли орасида канот ёя бошлайди. “Кизиллаштириш” сиёсатидан безган мулкдор кишилар, савдогарлар ўз фаолиятини йигиштириб, бу ердаги ижтимои-иктисодий вазиятни янада кескинлаштирумокда эди.

Алихонтўра ўғирлаб олиб чикиб кетилгандан кейин ўлкада юзага келган бу янги вазият узокни кўзлайдиган Совет “мутахассис”лари учун у кишининг тақдирини узил-кесил хал килишга имкон бермай, ўйлантириб кўйган эди.

Авваламбор Яратганинг кудрати ва хохиши билан Алихонтўра бошчилигидаги Шаркий Туркистон мусулмонларининг озодлик ва мустакиллик учун олиб борган кураши шу ерда узилиб, тўхтатилади. Колаверса, Алихонтўрадан кейин Шаркий Туркистонда юзага келган ечими йўқ халк кўзголиши мумкин бўлган кескин вазият сабаб бўлгани учун, у кишини тез йўқотиб ташлаш Совет КГБ сига хос ўз жиноят ва хиёнат ишларининг изини колдирмаслик режаси амалга оширилмай, вактинча эҳтиётлик билан уй камогида саклаб туриш керак, деган карорга келинади.

Келажакда унинг ўзидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти бўлмаса хам, у кишига киёфадош, кўшок одамни тайёрлаш учун зарур бўлиши эҳтиёткор КГБ нинг маҳсус мутахассислари томонидан хисобга олингани эҳгимолдан холи эмас.

Ватанларидан мажбурий хижрат килинганидан кейин Тангритог ўлкасида инкилоб килиб ислом дини, маданияти асосида, маърифатпарвар, тараккиётга юз тутган давлат куриб, бутун Туркистон озодлигини орзу килган Алихонтўра тақдир такозоси билан мустамлака зулми остида, динсизлар кўлида инグラб ётган Ватанига яна зўрлик билан кайтарилади.

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

Аллохнинг такводор мўмин бандаси Алихонтўра тақдирга тан бериб, Ухуд газоти вактида нозил бўлган: «Вала тахину вала тахзану ва антумул аълавна инкунум муминин», яъни «Эй мўминлар, бўшашманглар, кайгурманглар, албатта, сизлар устундурсизлар, агар чин мўмин эрсанглар», деган Куръон оятига ва Расууллоҳ (с.а.в.) айтган «Ислом устун бўлур, остин бўлмас, голиб келур, маглубиятда колмас» сўзларига амал килиб, хайратланарли бекиёс жасорат, кўркмаслик намуналарини кўрсатиб, мустамлака ватанида яшай бошлайдилар.

Кейинги воеаларнинг бориши шуни кўрсатдики, Аллоҳ субханаҳу ва таолонинг тақдир ёзувида у кишининг колган умри дунёдаги энг катта динсизлик ва иймонсизликка карши гоявий курашга багишланган бўлиши белгиланган экан. Бунинг ижобати Алихонтўра ёзиг колдирган илмий асарларда ўз ифодасини топган.

Шак-шубҳасиз Аллохнинг кудрати, химмати ва мўжизаси бўлиб, «дин халқпар учун опийум» дейилган ваҳший, даҳшатли, динсиз бир жамиятда уй хибисида яшаб туриб, «Тарихи Мухаммадий» ва «Туркистон кайгуси» каби динсиз большевиклар шакллантирган атеистик жамиятни фош этувчи асарларни яратишга мұяссар бўлади.

У киши «Тарихи Мухаммадий» китобида ёзадилар: «Ватаним мени сўймас экан, мен уни севганлигимдан, миллатим мени танимас экан, мен уни таниганлигимдан булар учун хар яхшиликни килмокчи эдим, килолмадим. Оз бўлсаям килмай караб туролмадим ва хам келажакдаги каҳрамон ўзбек, уйгур болаларига, балки бутун Туркистон мусулмонларига ўзимдан ёдгорлик колдирмокчи бўлиб она тилимда бу китобни ёздим. Бундан максадим, хакикий ислом динини асоси билан халкка тушунтириш, пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломни умматларига таништириш эди.

Хозирги даврда диёнат билан тараккиёт бирга яшай олмайди деган хато фикр окиллар томонидан эмас, жаҳондаги жоҳиллар томонидан таркалмишdir. Ҳакикатда эса, дин покликдур. Покликка курилган ахлокдур. Динимизнинг асли аклдур, куроли илмдур. Маърифат унинг сармоясидур. Мухаббатдин ишининг асосидур».

Ўзбек халкининг гурур-ифтихорларидан бирига айланган улуг бобокалонимиз соҳибкорон Амир Темурнинг “Темур тузуклари”ни таназзул йилларида таржима килиб, халқимизни бу буюк сиймо тимсолида мудрок уйкудан уйготишга харакат киласди. Мустабид тузум хукмронлик даврида инсон хак-хукукпари, миллий гурур, порлок маънавиятимиз, ислом маданияти ва ахлости мавзуларини ўз асарларида кенг ёритиб ва тарғиб килиб, умрининг охирги кисмини хам озодлик ва мустакиллик учун курашиб ўтказади.

У кишининг бу даврдаги фаолияти хакида мустакил Ўзбекистан матбуотида кўплаб макола ва асарлар битилган ва бу жараён хали хам давом этиб келмоқда. Алихонтўра 1976 йили феврал ойида Тошкент шаҳрида 91 ёшда бу фоний дунёдан абадият оламига юзланади.

Инсонсевар Алихонтўра Согуний хаётининг охирги йиллари хакида мархум укамиз Бобурхонтўра шундай ёзади:

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

Тошкент шаҳри, Коҳата махалласининг бир ҳароба бурчагида жойлашган кўримсиз, кичкина, аммо багри кенг, кўнгилга яқин, баракали кулбада ўзбек халкининг буюк ўғлони Алихонтўра Согуний бобомизнинг иймон ва калб чўглари билан муборак умрининг охирги дамларигача кўринишдан бир текис, осойишталиқда тўрткулокли хаёт козони тинимсиз кайнар эди.

Олтин рангли зар салла жойлашган муборак бошларини баланд кўтариб дадил, сабит кадам ташлаб, ҳазрати Алишер Навоийни олиб кочса, юрт-элнинг тақдирига бефарқ, муросачи кишилар уялиб каардилар, хаммаслак дўст-биродарлар эса хаяжон ва хайрат билан бокар эдилар.

Алихонтўра Согуний ҳазратларининг Ватан ва миллатга бўлган хиссиёти канчалик диний рух билан сугорилганлигига қарамай, ул зот ўзини олди билан “мен яралишимдаёқ инсонпараст эдим” дейди. Нега у ўзини хамма учун тушунарли ва яқин бўлган инсонпарварман деб хисобламайди? Ахир, инсонпарварлик аслида гуманизм демакдир-ку! Ўйлашимизча, бунинг сабаби инсонпарварлик кўпчиликка хос бўлган хиссиёт бўлгани ва ўз ичига яхши-ёмон амалларни олиши хам мумкинлигидир. Хаммага маълум, инсонпарварлик гоясини никоб килиб олиб, инсоният тарихида мудхиш, даҳшадли жиноятлар содир килган “инсонарвар” арбоблар кам бўлган эмас. Бундай холатлар мавжудлиги инсонпарварлик, дунёкараш иймондан эмас эканлигини кўрсатади.

Буни яхши билган, ўз иймон-эътиқодига содик, Аллоҳни севган, такводор Алихонтўра Согуний инсонпарварлик тушунчасидан ўзини эҳтиёт килади ва инсонпарастлик буюк фалсафий гояни мусулмон оламида биринчилар каторида илгари суради.

Иймонимиз комилки, дунёнинг кўрки бўлган, Аллоҳнинг ягона акл ва калб эгаси бўлмиш севикили бандаси ўз парвардигори томонидан азиз ва мукаррама килиб яратиб кўйилган бўлса-ю, унга ўз раҳмати ва марҳамати ила, ҳатто, ўзи яхши кўрган фаришталарини сажда килдирган бўлса-ю, Аллоҳнинг солих ва сиддик бандаси Алихонтўра нега “мен инсонпарастман” демас экан? “Параст” сўзининг форсча лугавий маъноси “севмок”, “яхши кўрмок”, “ёқтирмок”дир. Бу сўзнинг яна бир маъноси “сигинмок”дир. “Будпараст” сўзи билан “шахсиятпараст” сўзи маъносида канчалик катта фарқ бўлса, Алихонтўранинг инсонпарастлиги билан динпарастлиги ўртасидаги фарқшунчалик оздир.

Алихонтўра Согуний учун бутун ер юзидаги махлукот — инсон, хайвон ва наботот Аллоҳнинг яратган нарсалари бўлиб, уларнинг хилкати, моддаси, жисми ва руҳи мусулмондир. Кофирилик ва мушриклик балосига гирифтор бўлган бенасиб миллатлар ва элатлар устидан Алихонтўра унчалик кайгуриб кетмайди, уларни ёмонлаб фикр юргизмайди, исломга даъват этмайди. Алихонтўра факат уларнинг тақдиридан афсусланиб, озгина кулимсираб “бечоралар” деб кўяди, холос. Чунки у аминки агар Аллоҳнинг ўзи мушрикларга ўзининг охирги Расули оркали марҳамат килиб: “Уларга айтинг, ноумид бўлмасинлар” деб хабар берган бўлсаю, Алихонтўранинг номусулмон инсонларга бўлган умидлари накадар катта эканлигини фараз килиш унчалик кийин бўлмаса керак. Алихонтўра Согуний ҳазратларининг бундай дунёкараши унинг буюк инсонпараст гуманистлигидан далолатдир.

* * *

Алихонтўрадан кейин Шаркий Туркистон Уч вилоят ўлкасида содир бўлган айрим воеа ва ходисаларга кискача тўхталиб ўтамиз.

Кайта курилган Шинжонгўлка хукумати раиси, мохир сиёсатчи генерал Жанг Жежунгга Совет хукумати томонидан ўз зиммасига олинган махфий вазифа «аъло» бажарилгани, яъни Шаркий Туркистон миллий мустакиллигини бошдан охиригача катъият билан химоя килиб турган Шаркий Туркистон ислом жумхуриятининг байрокдори, хукумат раиси Алихонтўра ўртадан кўтарилигани кенг сиёсий имкониятлар яратиб беради.

Агар Совет хукуматининг бу хиёнаткаона кирдикори бўлмагандан Уч вилоятда у киши бошчилигига галаба козонган миллий озодлик инкилоби Шаркий Туркистоннинг колган вилоятларига хам тез ёйилиб, шак-шубҳасиз галаба козониши мумкин эканлиги аник эди. Шу сабабли, Марказий Хитой хукуматининг фавқулодда вакили бўлган ва Шинжонг ўлкасининг келажак такдирини ўз ихтиёрича хал килиш хукукига эга бўлган бу генерал ўз фаолиятининг боз максади килиб, Хитой давлатчилиги янги демократик Шинжонгни яратишга харакат килади.

Натижада хукумат томонидан кабул килинган ўлка дастурида Хитой - Совет дўстлигини мустаҳкамлаш, халкчилисиётни йўлга кўйиш, миллатлар иттифоқини кучайтириш ва шу тамойиллар асосида тинчликни ўрнатиш ва саклаш кабилар асосий вазифа деб белгиланади. Дастурда эълон килинган ўлканингсиёсий-ижтимоий, молиявий-иктисодий, маданий-маориф ва миллий тенглик, инсон хукуки хамда демократик ўзгаришлар тўгрисидаги аник кўрсатмалари хакикатан хам тўлиқ ижро этилса, ўлка халкининг келажакда тараккиёт йўлига чикиб олиши мумкинлиги кўринар эди.

Шу дастур асосида буюк Хитой давлатчилиги манфаатини кўзлаб, географик ўрни жихатидан хитой таъсиридан анча узокда бўлган бу ўлкада бир катор демократик ислохотлар ўтказила бошлайди. Биринчи навбатда, очик сайловлар ўтказилиб, вилоят ва марказий Кенгашларга халк вакиллари сайланади. Натижада Кенгашлар аъзосининг кўпчилигини ерли миллат вакиллари ташкил килади. Шунга мос равишда янгиланган ўлка хукумати таркибида хам ерли миллат вакиллари сони ошади.

Афсуслар бўлсинки, катор имкониятлар юзага кела бошлаган бундай кулай вазиятда хукумат аъзолигига сайланган ерли миллат вакиллари ўртасида гурухбозлик авж олиб, ўзаро низолар кучайиб кетади. Улар жипслалиб, амалий ислохотлар юргизиш, халкка илм-хунар, маърифат эшикларини очиш ўрнига мансаб талашиб, игво кўзгаб бошка «йўл кўрсатувчи»ларнинг хоҳиш-идрокларини амалга оширувчиларга айланиб колишади.

Бундан хабардор бўлган халк орасида турли манфаатдор кучларнинг гиж-гижлашлари натижасида гўё ўз тарафдорларини химоя килаётгандай бўлиб кўплаб намойишлар, тартибсизликлар, кўзгалишлар содир бўлади. Аммо энди йўл кўрсатувчи шам-чироксиз, турли манфаатлар калашиб ётган коронги йўлдан буюк максад сари юриш бенихоят оғир иш эди.

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

Янгича сиёсат юргазишга интилган Жанг Жежунг ерли халкнинг хукуматга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш максадида, миллий мухторият тамойилларига амал килган бўлиб, бир йилдан кўпроқ вакт ўзи эгаллаб турган хукумат раислиги лавозимини ерли миллат вакилига топширишга карор килади. Бу ўринга унинг тавсиясига биноан хукуматнинг ўнг каноти вакиллари намояндиларидан бўлган Маъсуд Бойкўзи афанди 1947 йили 28 май куни тантанали равишда ўлка Кенгаш аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади ва Марказий Хитой хукумати уни тасдиклайди.

Бу ўринга хукумат раисининг ўринбосори бўлиб ишлаб турган Ахмад афандининг тавсия килинмагани ўлкада кучайиб бораётган советлар таъсирини камайтиришга уриниш эди. Чунки Маъсуд Бойкўзи Собирий туркий бирлик, яъни “пантуркизм” гоясининг йирик намояндиларидан бўлиб, советлар тузумининг ашаддий душманларидан эди. Бу гоя эгалари оғизда туркий миллат ва халклар озодлиги, бирлиги учун курашар эдилар.

Улар:

— Биз туркмиз, туркий бирлик даъвосини килишга хаклимиз, чунки бунинг табиий асослари мавжуд. Бу — тарих, юрт ва маданият бирлиги, умумий дин ва тил борлигидир, — деб ўз гояларини Ватаннинг ичидаги хам, сиртида хам кенг таргибот килар эдилар. “Пантуркист”чилар Советлар мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасининг тўлиқ озод ва мустакил давлат бўлишини талаб килар эди. Раислик лавозимига ўтириши билан Маъсуд афанди бу йўналишдаги ишларга кенг йўл очиб беради. Миллий хисли зиёлилар журнал ва газетларда миллий тарих, маданият, тил, дин, маънавият масалаларига оид кўплаб маколалар билан чика бошлайдилар.

Шу билан бирга матбуотда радикалчиларни “кизиллаштириш” сиёсатини ўлка халкига сунъий тикиштиришда айблаб, кенг ташвикот ишлари хам олиб борилади. Ўлкада Совет таъсири кучайиб бораётгани очик танкид килина бошлайди.

Яна шу мажлисда уйгур, козок, татарлар орасида обрў-эътибори анча юкори бўлган Бурхон Шахидий Марказий Хитой хукумат хайъати аъзолигига ўлкадан номзод килиб кўрсатилади ва тасдикланади. Жанг Жежунг бу номзодни танлаганда у кишининг татар миллатига мансублиги туфайли муким сиёсий майдонга эга эмаслигини ва хар икки гурух — радикаллар билан консерваторларга бир хил муносабатда эканлигини инобатга олган бўлса керак.

Бизнингча, бунинг бош сабаби — Бурхон афандининг хамиша давлат бирлиги ва бутунлиги масаласида Хитой томонга ён босиб иш кўрганидадир. Ватан туйгусига эга бўлмаган бу киши, 1949 йили хитой коммунистлари хокимият тепасига келиб гарбга юриш бошлаганда Шаркий Туркистон ўлкасини иккilanмай уларнинг кўлига ўтказиб берди. Кейинчалик, “раис” бўлмиш Бурхон Шахидий ўлкада Кизил Хитой сиёсатини изчиллик билан, оғишмай амалга оширган ва шу сабабли ўз мансаб курсисида узок ўтиришга муваффак бўлган кишилардан бирига айланди.

Уддабурон Жанг Жежунг сиёсатидаги бундай ўзгаришлар, биринчи навбатда, у ерда иш олиб бораётган совет консулига ёкмайди. Шу пайтгача ўлкадаги мухим ўзгаришларда консул воситачилик килиб, маслахатчи бўлиб фаол иштирок этиб келган эди. Уларнинг режаси бўйича раислик лавозимига ўзларига содик бўлган Ахмад афанди тайинланиши лозим эди. Бу - дунё вазияти ўзгариб турган ана шу пайтда, икки давлат муносибатлари

Муаллиф:

21.01.2014 21:25 -

хали тўлик шаклланмаганлиги сабабли келажакда хам мухим рол ўйнаши керак эди.

Кутилмаган бу воеадан хабар топган Урумчидаги совет виде консули Евсеев ўлка хукумати раисининг муовини Ахмад афандини чакиртириб, бу масалага карши чикиш юзасидан унга кўрсатма ва маслаҳатлар беради. Алихонтўра кўлида ишлаб миллий хиссиёти анча уйгонган, Урумчига келиб буюк миллат етакчилари Исобек Алиптекин, Мухаммадамин Бугро, Маъсуд Бойкўзи каби инсонларнинг гоя ва интилишларини тушунган Ахмад афанди, ипсиз болнганлиги сабабли яна ўз хохиш ихтиёрига карши совет “маслаҳатчи”ларининг айтганини бажаришга мажбур бўлади.

У Маъсуд афандилар билан биргаликда янги хукумат таркибида ишлаб, Шинжонг ўлкасига ваъда килинган олий мухториятни кўлга киритиш учун курашиш ўрнига, уларни консерваторликда, Хитой хукуматининг мухтор вакили Жанг Жежунгни “битим”га хилоф биртарафлама иш кўраётганликда айблаб, хукумат таркибидан чикади ва ўз тарафдорларини олиб, Гулжа шахрига кайтиб кетади.

Хукумат аъзоларининг бу фожиали бўлиниши уйгур миллатининг ички ва ташки душманлари Алихонтўрани сиёсий сахнадан узоклаштиргандан кейин эришган иккинчи катта ютуги эди.

Бир отга мингашган бу кишилар билиб-билмай, ўзларича, отни етаклаш учун тизгин талашдилар. Лекин тизгин ўзларининг кўлида эмаслигини кўрларча билмадилар, билишни хам истамадилар. Натижада, биринчи галда икки душман ўз манфаатлари йўлида махфий тил бириттириб, Шаркий Туркистон мустакиллигини йўқ килган бўлсалар, иккинчи галда уйгур миллати учун ваъда килинган олий мухторият хам бутунлай йўкотилди.

Ўз тарафдорлари билан бирга Гулжага кайтиб келган Ахмаджон Косимиий “2-дом” “мутахассис”ларининг кўрсатмаларига мувофик зинхор куролли тўкнашувни максад килмай, тинчлик ва демократияни химоялаш масалалари атрофида халкни жипслаштириш, уч вилоятдаги вазиятни тахлил килиб, совет билан савдо-сотик ишларини жадаллаштириш, халк ичida совет тарафдорлари ва фуқороларининг сонини зимдан паспорт таркатиш йўли оркали кўпайтириш, ўлка хукумати билан келишув олиб бормаслик, ички Хитой фуқаролар уруши натижаларига тайёр туриш каби вазифа-топширикларни бажариш билан банд бўлади.

Ўлка хукумати Ахмад афанди бошлиқ гурухга 5-6 ой ўткандан кейин Урумчига кайтиб келишни, ўртада келиб чиккан низоларни акл доирасида музокара килишни ва ечимини топишни таклиф килиб хат жўнатади. Лекин бу тараф Маъсуд афандининг ўлка раислик вазифасидан бўшатилиши талабини биринчи шарт сифатида кўядилар. Ўз “холислик” вазифасини бажараётгандек кўрсатган Совет хукумати вакили икки томонни “юмшатипГга харакат килгандек бўлади.

Уйгур миллатининг кейинги давр тарихига кўз ташласак, бу ўлкада юз берган хар бир кўзголон ва инкилобларда ўрислар ошкора ва яширин фаолият кўрсатганини кўрамиз. Бунинг бош сабаби уларнинг хеч качон уйгурларнинг мустакил бўлишига ёрдам бериш,

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

хайрихохлик билдириш ниятлари эмас эди, балки Шаркий Туркистоннинг табиий ер ости ва ер усти бойликларини ўз манфаати йўлида хохлаганича талаш ва ишлатиш эди.

Холбуки, бу мустабидлар уйгур халкининг мустакиллигини хохламасди, чунки улар мустамлака зулми остида тобе бўлган ўзбек, козок, киргиз ва бошка кариндошлиарига таъсир кўрсатишига, окибатда, улар хам мустакиллик даъвосини кўтариши мумкинлигига токат килолмасди. Шу сабабли руслар бу ўлкани хар доим ўз таъсир доирасида саклашга интилган, факат бунинг имконияти бўлмай колган пайтлардагина уни Хитойларга киммат бахода сотиб келган эди.

Япония билан уруш ва давомли ички конли курашлар натижасида холдан тойган Чанкайши хукумати хозирги шароитда Шинжонгни ўз кўлида саклаб колиш учун, Иккинчи жаҳон урушида галаба козониб, кудрати янада ошган кўшни Совет Иттифоки билан хар кандай муросага боришга тайёр эди. Совет хукумати буни билганлиги сабабли, Хитой томонга Урумчидаги бош консули Савельев оркали Шинжонгдаги вокеаларга ўз муносабатини билдиради. Унда кўрсатилишича: “Шинжонгда юзага келган вазиятнинг ечими, асосан, генерал Жанг Жежунг таъкидлагандай, Хитой-Совет дўстлик муносабатига ва миллий масала ечимига bogлиkdir. Уни Хитой — Совет муносабатини дипломатия йўли билан якинлаштириш, дўстлик ришталарини мустахкамлаш оркали амалга оширса бўлади.

Лекин миллий масалага алохида эътибор бермок лозим. Совет хукумати пантуркистларнинг Хитой давлати таркибидан ажralиб чикиш харакатини катый коралайди. Хар кандай давлатдаги оз сонли миллатлар ўзларининг ватанларидан ажralиб чикиб, харгиз порлок истикбол йўлига эришолмайди. Ўз ватанидан бўлиниб чикиш учун бўлаётган хозирги уринишлар оз сонли миллатлар учун факт зиён келтиради.

Шу сабабдан ўлка хукуматига Маъсуд афанди каби одамларнинг раис бўлиб туришига биз норозимиз. Агар бу масала “максад”га мувофик хал килинса, хозир Шинжонгда юзага келиб колган бир канча ички масалаларни жиддий хал килиш имконияти тугилади. Биз генерал Жанг Жежунгнинг бу йўналишдаги сай-харакатларини кўллаб-кувватлаймиз. Агар лозим топилса, илгаридағи каби Или тараф билан бевосита кенгаш олиб бориш учун икки томонни яраштириб кўйиш воситачилигини хам ўз зиммамизга оламиз. Бу вазифани бажариш Гулжадаги консул зиммасига топширилди” — дейилади.

Шинжонгни кўлда тутиб туриш учун ўрисларнинг гашига тегмай, улар билан келишиб ишлаш зарурлигини тушунган генерал Жанг Жежунг таклифига кўра Гоминдан хукумати Маъсуд афандини ўлка раислигидан бўшатиб, Бурхон афандини унинг ўрнига тайинлашга карор килади. Маъсуд афанди гоминданчилар кутган жойидан чикмади. У киши имкониятдан фойдаланиб, биринчидан, туркчилик гоясига содик харакатлари билан Хитой давлатининг бутунлигига хавф sola бошлаган эди, иккинчидан, унинг ўрисларга очик карши харакати энди тикланиб келаётган Хитой — Совет муносабатлари яхшиланишига хизмат килмади.

Ўрисларнинг эътирозини хисобга олиб, яна бир катор ўзгаришлардан кейин, Жанг

Муаллиф:

21.01.2014 21:25 -

Жежунг Или тарафга: “Сизлар карши бўлган Маъсуд афандини ўрнидан олдик, энди Урумчига келинглар, биргалашиб ишлаймиз...” каби таклифни килади. Бунга жавобан Ахмад афанди гурухи Урумчидаги юз берган ўзгаришларни ижобий баҳолайди ва хозирги ўзгарувчан вазиятда Бурхон афандидек одамнинг ўлка раиси вазифасини эгаллаб туриши ўзлари учун заарарсиз деб билади. Улар Бурхон Шахидийни билимли, бой тажрибага эга бўлган, энг асосийси, жохил мутаассиб киши эмас, деб баҳолайдилар. Бунинг яна бир ижобий томони, Бурхон афандининг хитойлар ичидаги илгор фикрли, демократияга мойил одамлар билан танишлиги ва улар билан тил топишаолишидир, дейди улар.

Лекин Хитой ичидаги хокимият учун гоминданчилар ва коммунистлар ўртасида узок давом этиб келаётган конли уруш Совет Иттифокининг ёрдами билан коммунистлар фойдасига хал бўлаётган вактда, Ахмад афанди гурухининг ўлка гоминдан хукумати таркибида бирга ишлаши советлар манфаатига мос эмас эди. Чунки Шинжонг масаласи хам буюк давлатлар келишувида коммунистлар фойдасига хал бўлган эди. Шу сабабли бу таклиф кабул килинса, келажакда кўшимча ташвишлар юзага чикиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Бундан ташкири, Алихонтўра бошчилигида амалга оширилган инкилобнинг миллий мустакиллик гоясига хиёнат килингандан кейин ўтган давр ичидаги юзага келган нотинчлик, иттифоксизлик, вилоятларда, хатто армия ичидаги содир бўлаётган норозиликлар Ахмад афанди ва унинг сафдошлари карашларида Совет хукуматига муносабатни хам ўзгартира бошлаган эди. Бундай холатни кўздан кочирмайдиган совет “мутахассис”лари уларга ишончини йўқота бошлади. Шу сабабли, совет “маслаҳатчи”лари Урумчидаги Янги хукумат таркибида ишлаш режасига очикдан-очик карши чикмаса хам, бир канча шартлар кўйишни уларга тавсия килади.

Талабларнинг асосийлари: Шинжонгга инкилоб даврида ички Хитойдан келтирилган ўн минглаб аскарларни ўлқадан олиб кетиш; етти вилоятда камалган илгор фикрли кишиларни дархол озодликка чиқариш; бунга сабабчи бўлган харбий амалдорларни жавобгарликка тортиш; бирлашган хукуматнинг амалий хукукдоирасини чекламаслик кабилар эди. Булар дархол амалга оширилиши мумкин эмас эди. Шу боис Советнинг гаразли маслаҳати, босими остида ўлка халкининг манфаати йўлида бирга ишлаш, миллий бирликни тиклаш имконияти иккинчи бор хам кўлдан кетади.

Уч вилоятда русларнинг гаразли манфаати бўлмаганда, балки ўз раиси атрофида бирлашиб ишлаган ўлка хукумати маглубиятга юз тутган Гоминдан хукуматидан махаллий халкучун бир канча миллий эркинликларни олиш, жумладан, имтиёзли мухториятга эга бўлиш эҳтимоли бўларми? Негаки, Гоминдан хукумати хар доим ўз чикишларида давлат отаси хисобланган Сун Ятсиннинг “Уч миллий маслак” таълимотидаги “Оз сонли миллатларга ўзини-ўзи бошкариш хукуки берилади”, дейилган тамойилга амал килинади, деб кўп марта очик таъкидлаган эди-да. Афсус, такдирда тескари ёзилган бўлса, бандаси нима хам килар эди!

1949 йилда ички Хитойда коммунистлар хокимияти таҳтини эгаллаган кизил аскарлари билан уларнинг сиёсий раҳбарлари гарбга — Шинжонг ўлкасида хам ётиб келади.

Муаллиф:

21.01.2014 21:25 -

Ўлкадаги вазиятни тўла ўз назорати остида ушлаб турган Совет хукумати келажакда Шарқда социалистик лагернинг мустахкам кўргони бўлади, деган умидда — янги коммунистик давлатни кутлаб, унга Шинжонг ўлкасини тухфа килади.

Кадимдан бу икки катта кўшни империялар оз сонли, ўз давлатига эга бўлмаган уйгурларга ўхшаган миллатларнинг тақдирини ўз хоҳиш-ихтиёри манфаатлари асосида хал килиб келгани маълум. Хатто Шаркий Туркистон уч вилоятида Алихонтўрадан кейин хокимият тепасига ўзлари кўйган, умр бўйи советларга фидойи бўлиб, садокат билан хизмат килган Ахмаджон Косимий ва унинг сафдошларини хам улар сурбетларча алдайдилар.

Урумчига келган янги тузум эгалари бўлмиш Кизил хитойлар хокимиётни силлик, хеч кандай каршиликсиз, ўзаро келишув асосида кабул килиб олади. Бу вазиятда Шинжонгдаги ишларни узокни кўзлаб тартибга соглан, керакли одамларни ўз жойига кўйган, буюк ягона Хитой давлатчилиги мафкурасига хамиша содикхизмат килиб келган генерал Жанг Жежунгнинг роли катта эди. Бу “сиёсий тулки” номини олган киши ўз гоясига содик холда галаба козонган коммунистлар хукумати хизматига ўтади.

Унинг маслахати ва “раис” Бурхон Шахидийнинг ёрдами оркали янги хукумат ўлкада ўз тартибини тез ва осон ўрнатади. Биринчи бўлиб, ўлкадаги икки юз мингдан ортиқ гоминдан аскарлари куролсизлантирилиб, ишлаб чиқариш курилиш армияси шаклида кайта тузилади. Узокни кўзлаган янги Пекин раҳбарияти режасига биноан ички хитойдан яна шунча сонли аёл-кизлар кўчириб келтирилиб, оила куриш оркали уларни шу ерда илдиз орттириш, ерлаштириш ишлари жадаллик билан амалга оширила бошлайди.

Шу билан Алихонтўра кайгуриб “Ўз Ватанида мустакил бўлмаган кичик миллатлар келажакда кора аждахога ютилиб кетади”, деб башорат килган жараёнга биринчи кадам ташланган эди. Халк гамини ўйлагандек кўринган бу ёлгончи-алдамчи коммунистлар, керак жойда курол кучи билан хамда фойда-зиёнини тўғри тушунмаган, виждонсиз, кора-куров нодонлардан фойдаланиб, динсизлик-худосизликка асосланган хокимиётни ўлканинг етти вилоятида ўрнатади. Бу йўксуллар тузумини кабул килмаган, унга карши бўлган Урумчи ва бошка шахарлардаги билимли, истеъододли, миллатсевар, ватанпарвар миллий зиёлилар, нуфузли кишилар хар хил уйдурма баҳоналар билан яна камалади, отилади, оғир ишларга жўнатилади. Факат айримларгина ўзга юртларга хижрат килиш имконини топадилар. Шулар каторида бўлган Исо Юсуф Алптегин, Мухаммадамин Бугро, Пўлат Кодирий каби буюк инсонлар умр бўйи Ватандан ташкарида Шаркий Туркистон халкининг озодлиги, миллий мустакиллиги учун курашиб келганлар.

Уч вилоят халки мустамлака зулмига карши кон тўкиб инкилоб килган, мустакил давлат куриб, озодликнинг ширин таъмини татиган, мудрок, гафлат уйкусидан уйгонган халкка нисбатан, Кизил хитойлар ўзгача сиёsat юргазадилар. Гулжага етиб келган ваколатли Хитой комиссарлари биринчи навбатда вазиятни яхшиrok ўрганиш учун бу ерда мустахкам ўрнашиб олган ва лаганбардорлик билан ўзининг дўстона муносибатини хар кадамда билдириб турган Совет консулхонаси, “2-дом” ва бошка идораларнинг “максус” ходимлари, “маслахатчи”лари билан учрашадилар. Улар хўжайнларининг ўзаро келишганидан мамнуният билан бу ердаги вазиятга алокадор барча маълумотларни

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

мукаммал билдирганидан ташкари, миллий кадрларнинг, обрўли шахсларнинг тўлик рўйхатлари, улар хакида йиллар давомида йигилган маълумотларни хам тўла топширадилар.

Лекин бунгаcanoат килмаган Кизил комиссарлар азалдан Хитой халки ва хукуматига содик бўлиб келган “фидоий”лар, янги хокимият эгаларига мансаб таъмасида ўз садокатларини шошилиб изхор килмокчи бўлганлар, ўзларини моддиюнчи, компартия ва Мао гояларининг изчил муҳлислари деб таништирганлар билан хам алохида-алохида учрашувлар ва сухбатлар ўтказадилар. Улар бу йигилган ахборат, маълумот ва материаллар асосида бўлиб ўтган инкилоб хакида, бу ердаги Ахмад афанди бошлиқ хозирги раҳбарият, Советларнинг таъсири тўгрисида етарлича маълумотга эга бўладилар.

Йиллар давомида Гоминдан хукумати билан тинчлик ва муҳторият масаласида музокараларда тобланган, Алихонтўра кўл остида ишлаб миллий хиссиёти уйгонган Ахмад афанди ва унинг маслакдошларининг миллий масалага нисбатан карашлари ва муносабатлари тўгрисида аник маълумотлар тўплайдилар. Уларнинг хуросаси шуни кўрсатадики, бу ердаги раҳбарият Шинжонгни янги Хитой хукумати таркибида Совет Иттифокидаги республикаларга ўхшаш республика бўлишини истайдилар. Номи “Уйгуристон” бўлишини ва ундан келиб чикадиган хак-хукукларга эгалик килишини хоҳлайдилар. Бу хоҳиш-истакларни Уч вилоят раҳбарияти Хитой вакиллари билан бўлган бир канча учрашувларда тарихан асослаб катъият билан изхор киладилар.

Бундай муносабат Кизил комиссарлар учун кутилмаган муаммо бўлади, чунки Хитой коммунистларининг хам ягона бир бутун давлат таркибида кичик миллатларга республика макомини бериш ниятлари йўқ эди-да!

Ўз максадига эришиш йўлида хар кандай усууллардан фойдаланиш мумкин деган тамойилга амал киладиган совет “мутахассис”лари ўзлари бошлаб кўйган бу ишни ими-жимида саранжонлаш ниятида яна бир разилликка кўради.

1949 йили сентябр ойида Пекинда бўлиб ўтадиган умумхалк сиёсий маслаҳат Кенгашида Шинжонг ўлкасидан вакил бўлиб катнашишга Гулжадан Ахмаджон Косимий бошлиқ уч вилоят раҳбарияти таклиф килинади. Бутаклифни марказнинг Шинжонг масаласига бўлган катта эътибори, деб тушуниш лозимлигини билдирган Гулжадаги Кизил комиссарлар ва совет “маҳсус” ходимлари унга жиддий тайёргарлик кўриш маслаҳатини берадилар. Бунинг учун улар хар кандай ёрдамга тайёр эканликларини хам билдиришади. Натижада Пекинда Шинжонг масаласи юзасидан килинадиган докладни тайёрлашга киришилади. Хатто бу ишга ўзларининг ташабbusи билан “Шинжонгшунос” хисобланадиган Совет дипломатларидан бири бўлган собик вице-консул Василий Борисов хам жалб килинади.

Бу киши хитой коммунистлари Шинжонгга кириб кела бошлаганда Гулжада яна пайдо бўлиб колган эди. У Шаркий Туркистон уч вилоят инкилобида Совет Иттифокининг ваколатли вакили бўлиб иштирок этган, ўз хукумати номидан уни кўллаб-кувватлаб, ўқ-дори, курол-ярок, аскарий куч билан ёрдам килишни Алихонтўрага ваъда берган

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

кишиларнинг бири эди. Бу садоқатли “ижрочи” Гоминдан хукумати билан “тинчлик битими” имзолангандан кейин дархол кўздан гойиб килинган бўлса хам, янги Хитой хукумати олдида совет манфаатларини химоя килиш, Совет — Хитой дўстлигини мустахкамлаш учун яна жалб килинган эди. Василий Борисов уч вилоят раҳбариятингузилаётган янги Хитой давлати таркибида Шинжонг ўлкаси камидаги олий муҳторият макомига эга бўлиши керак, деган фикрини хам билар ва уни кўллаб-кувватлар эди.

Натижада анча катта хажмга эга бўлган баённома - доклад тайёрланади. Унда уйгур давлатчилигининг тарихий асослари, уйгур халкининг асрлар давомида мустамлака зулмига карши олиб борган миллий озодлик курашлари, ички ва ташки душ-манларнинг ўзаро тил биритириб, уйгур миллатининг хакконий манфаатлари, хак-хукуклари доимо сотилиб келинганлиги ишончли далил-исботлар билан баён этилади. Докладнинг асосий холосасида уйгур халки бир бутун демократик Хитой давлати таркибига иттифоқдош республика ёки олий муҳториятга эга бўлиб кириши, ўз она Ватанига хакконий равишда ворислик килиши, дунёдаги барча эркин халклар катори тинчликда хотиржам яшаш истаги борлиги тантанали равишда катъият билан билдирилади.

Кўп тортишув, муҳокамалардан ўтиб, тасдикланган ва хитой тилига таржима килинган бу докладнинг мазмуни, албатта, янги Хитой хукумати вакилларига ёкмайди. Уларнинг режаларига, марказдан олган кўрсатмаларига, Совет томони билан юкори доирада килинган келишувларга Шинжонг масаласининг бундай кўйилиши зид эди. Уйгур миллатининг тақдири умумий мафкура, ягона содиалистик тузум, Совет — Хитой дўстлиги йўлида курбон килинган бўлиб, бошданок, уни хал килиш янги Хитой хукуматининг ички иши, деб эътироф этилган эди. Ерли халк кўзи олдида ўзларини дахлсиз килиб кўрсатиш ниятида хитой коммунистлари “ўзинглар пиширган овкатни ўзларинг енглар”, дегандай зарда килиб муаммони хал килишни яна Советлар томонига юклайди. Номуссиз, виждонсиз сарик иблис бу вазифани хам хеч иккиланмай ўзларига хос совукконлик билан хал килади.

Бу пайтга келиб Совет хукумати Шинжонг масаласидаги ўз максадларини амалга ошириб бўлган эди. Биринчидан, ўзининг ёш атом энергетикаси учун сувдай зарур бўлиб турган Шаркий Туркiston ўлкасининг Олтой ва Тарбагатой вилоятларидағи конлардан шиддат билан йиллар давомида ташиб йигилган радиактив уран рудалар захираси атом бомбасини саноатлашириб ишлаб чиқариш учун етарли микдорда йигилган эди. Иккинчидан, совет куроли ва ёрдами билан Осиё китъасидаги энг йирик Хитой давлатида хокимият тепасига коммунистлар келтирилди. Келажакда содиалистик тузумнинг Осиё мамлакатлари бўйлаб ёйилиши учун бу катта замин эди. Совет Иттифоқи бошчилигига Шаркий Овропа ва Осиё китъасини камраган ягона содиалистик лагер шаклланмоқда эди. Учинчидан, ўзлари ясаган ташки Мўгулистон давлатини янги Коммунистик Хитой хукумати тан олишга мажбур этилди ва Совет — Хитой чегарасидаги узун худудда хар эҳтимолга карши ўзига содик буфер давлат тикланди.

Бу эришилган натижалар эвазига ва келажакда маслакдошлар биргаликда амалга оширадиган “буюк” максадлар йўлида Шаркий Туркiston ўлкаси, уйгур миллатининг миллий мустакиллик кураши, озодлиги, инсоний хак-хукукпари курбон килинди. Сталин ва унинг хамтовокпари виждонсизларча инсоний ахлокнинг оддий меъёр, приндип ва

Муаллиф:
21.01.2014 21:25 -

мезонларига хиёнат килдилар. Совет хукуматининг махфий карорида: “Шинжонгда кейинги йилларда “махсус” ташкилотлар томонидан олиб борилган барча ишлар тугатилсин, уч вилоят халки ихтиёрий равишда янги коммунистик Хитой давлатиниг таркибиға кириши таъминлансан, Совет — Хитой дўстлик муносабатлари мустахкамлансан”, деб кўрсатма берилади.

1949 йил август ойининг охирларида Пекинга умумхалк сиёсий маслаҳат Кенгашида Шинжонг халки номидан иштирок этиш учун Ахмаджон Косимий бошлик делегадия Гулжадан жўнаб кетади. Делегадия таркибиға унинг раиси Ахмаджон Косимий, Миллий армия кўмондони генерал-лейтенант Исҳокбек Мононов, Олтой вилояти волийси генерал-майор Далелкон Сугурбоев, хансу миллатининг вакили сифатида Абдукарим Аббосов, таржимон-котиб Абдурашид Иминов, адъютант майор Гани Каримов бошлик тўрт нафар муҳофазатчи ходимлар ва бошкалар киради. Жами 11 киши, бошка манбаларга биноан 17 киши. Делегадияни кузатиб бориш вазифаси Гулжадаги Совет вице-консули Василий Борисов зиммасига юкланди.

Хайратланарли хол шундаки умумшинжонг халки делегадияси таркибиға ўлка хукуматининг Урумчидаги аъзоларидан бирор киши киритилмаган эди. Бу холат делегадия аъзоларини сергаклантириши керак эди-ку! Пекин улар Урумчидан вакиллар таклиф килинмаганини ўзгача гуур билан ўзларининг Пекин олдидаги обрў-эътибори баландлигидан деб тушунадилар.

Совет хукуматининг таклифиға биноан делегадия Пекинга Совет Иттифоки орқали учишлари керак эди. Лекин Олмата аэропортидан кўтарилигтан самолёт Пекинга етиб келмайди. У Иркутск атрофида хавода халокатга учрайди ва барча делегадия аъзолари халок бўлишади. Мана шундай шафкатсиз усул билан ўз кингир ишларинингбажарувчилари, гувоҳдари гумдан килинади. Бу Совет махсус ташкилотларининг навбатдаги разил тадбирларидан бири эди. Маълумотларга кўра, бу фожиа тафсилотлари шу кунга кадар махфий сакланмоқда.

Гулжадаги совет консули бу ерда колган хукумат аъзоларидан Сайфиддин Азизийни 3 сентябр куни ўз олдига таклиф килиб, Москвадан шошилинч олинган куйидаги маънодаги телеграммани рус тилида ўкиб эшилтиради: “Ахмаджон Косимий бошлик делегадия учеб кетаётган Ил-12 русумли самолёт Иркутск устидан ўтаётганида об-хаво кескин ёмонлашиб, ўз бошкрувини йўкотгани учун, бахтга кдрши, токкаурилади. Самолёт ичидаги 17 та делегадия аъзолари халок бўлади”. Бу фожиа сирлари шу киска тушунтириш билан кифояланади.

Шаркий Туркистон уч вилоят раҳбарияти ихтиёрий равишда хокимиятни хитой коммунистларига топширмагани учун Сталин томонидан шундай усул билан ўлим жазосига махкум этилади. Жаҳон жамоатчилиги кўз олдида бу усулни ишонарли килиб кўрсатиш учун улар хатто ўзининг содик мутахассис жосус-дипломатини хам бирга курбон киласди. Дарҳакикат, максадга эришишда иймонсиз, виждансиз коммунистлар учун барча усуллар яхшидир.

Шундан кейин сентябр ойининг ўрталарида Пекинга умумхалк сиёсий маслаҳат

Хиёнат окибатлари

Муаллиф:

21.01.2014 21:25 -

Кенгашининг биринчи сессиясига ётиб келган Сайфиддин Азизий ва Бурхон Шахидий бошлик янги делегадия Шинжонг халкининг ихтиёрий равишда коммунистик Хитой давлати таркибига кириши тўғрисидаги хужжатларни сўзсиз имзолайдилар. Шунинг эвазига Мао дзедун Сайфиддин Азизийни Шинжонг ўлка хукуматининг раиси ётиб тайинлайди.

Натижада, Алихонтўра ташаббуси, бошчилиги асосида ташкил топган Миллий армия таркатилади; миллатсевар, Ватанпарвар улугларимиз таъкибга учрайди, камалади ёки чет элларда паноҳ топадилар. Бепоён Шаркий Туркистон ўлкаси Кизил хитойларга ўлжага колади. Ички Хитойдан чумолидай ёпирилиб кела бошлаган коммунистлар ва уларнинг сон-саноксиз куролли кўшини ерли халкни темир исканжага олиб, итоатгўй махкумларга айлантира бошлайди. Бу жараённи кўриб, билиб турган калбида миллий хиссиёти бор бугунги авлод кўзларида нам бўлмаса хам, калбида йиглаб келмоқда...

Увайсхон Шокировнинг "Алихонтўра Согуний" китобидан